



## Кимсага гар ғам етар, ғамхори бўлса, ғам эмас...

### «СЕН ЕТИМ ЭМАССАН...»

Гулистон шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи милиция капитани Раҳмонқул Аноров, Ширин шаҳар ИИБ оператив навбатчисининг ёрдамчиси милиция кичик сержанти Саторқул Холматов, Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ йўл-патрул хизмати инспектори милиция старшинаси Муса Ғашимов, Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори Александр Шестаков...

Афсуски, халқ озойишталарини сақлаш мақсадида ажалга кўксини қалқон қилган марҳум сафдошларимиз исм-шарифларини яна кўп-лаб келтириш мумкин. Улар фуқароларни қон-қақшатмоқчи ёки халқ хўжалигига катта зарар етказмоқчи бўлган унсурларни қўлга олиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар. Шаҳид кетганларнинг аёллари бева, фарзандлари етим қолишган.

— Йўқ, — деди УзССЖ ички ишлар вазирининг ўринбосари полковник Қ. Боймуродов ўтган пайшанба кунини улар билан бўлган учрашувини оғирдан, — сизлар ночор ёки етим эмассизлар. Турмуш ўртоқларингизнинг ёки оталарингизнинг сафдошлари — бизлар бошингизни силлашга, ўксик кўнгилларингизга тасалли беришга, ҳаёт сўқмоқларида қийналганларингизда кўмаклашишга бурчлимиз.

Шундан кейин Қ. Боймуродов ва совет милициясига кўмаклашувчи хайрия жамғармаси президенти, ССЖИ халқ номби И. Сорокин ўртоқлар умри эрта ҳазон бўлган милиция ходимлари оила аъзоларига ёрдам пулларини топширдилар. Хайр-саховат, меҳрибонликнинг рамзи бўлмиш бу маросим иштирокчиларни тўлқинлантириб юборди. Уларнинг айро-айро диллари миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан тўлди, маънос кўзларда секин ёшлари қалқди.

— Менинг турмуш ўртоғим Тошқул Сувоққулов Тошкент шаҳар ИИБ пост-патрул хизмати милиционери эди, — дейди Шириний Суярова. — У оммавий тартибсизликлар қурбони бўлди. Тўрт нафар болам билан қолдим. Бугун ҳимматларингизни кўриб, кўнглим ёришди. Англадимки, эрим ўлмаган. Унинг орзу-ниятлари энди фарзандларим билан барабар ўсиб бораверар экан. Сағирларни йўқлаганларингиз учун минг раҳмат!

Шундан сўнг уларнинг кайфиятини хуш этиш мақсадида кичик концерт намойиш этилди.

Р. ҚОСИМОВ.



СУРАТЛАРДА: учрашув лаҳзалари. Ольга ЖУРАВЛЕВА олган суратлар.

### Бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари оила аъзоларига мурувват кўрсатиш давом этмоқда

Бу ерда ўтирган аёлларнинг ҳаёжонлари ва армонлари чексиз. Турли ёшдаги бу аёлларнинг қисмати бир хил. Шу бонс ҳар чехрада ҳазинлик, кўзларида ғусса. Оналарнинг эстагига ёпишиб келган бола-кайларнинг юзларида қизиқ-қонлик, ҳайрат акс этиб турибди. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги ўз қишлоғи, маҳалласидан бунчалар узоққа, турли-туманликларга тўла кўчаларга остана ҳатлаб чиқмаганликларини шундоқ кўзларидан билиниб турибди. Қашқадарё, Сурхондарё, Жizzах ва Самарқанд вилоятларининг чекка туманларида яшайтган бу оилаларнинг Самарқанд вилояти ИИБга йнгилиши бежиз эмас.

Уларнинг оила тебратувчилари, суяччиқлари, болаларининг отаси, турмуш ўртоқлари ички ишлар идораларида ишлаб хизмат вазибаларини ўташ чоғида ҳалок бўлганлар.

Ҳеч кимга сир эмас милиция ходимлари яқин кунларгача қонуний ва ижтимоий муҳофазасиз эди.

Бугунга келиб бу муносабатларда йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмоқда. Айниқса, бу ишнинг хизмат вақтида ҳаётдан бевақт кўз юлганларнинг оилаларига, бола-чақасига ёрдам беришдан бошлангани мантқан тўғридир.

Шу мақсадда боқувчисиз қолган оилалар билан ўтказилмаётган учрашуга ССЖИ

ИИБ шахсий таркиб билан ишлаб бошқармасининг бошлиғи ўринбосари С. Шандики, ССЖИ халқ депутати, милицияга кўмаклашувчи хайрия жамғармасининг президенти И. Сорокинлар ташриф буюришган.

Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори Т. Тўхтаев учрашувни очишда қисқача нутқ сўзлар экан, иложи борича уларнинг мусибатларини янгилашмаслик

нинг Денов тумани ИИБда хизмат қилиб, 45 ёшида жонини фидо қилди. Орқасидан мен 10 нафар болам билан додлаганча қолавердим. Маёя шу машъум кунга ҳам тўрт йил бўлди. Аммо хўжайиним ишлаган идорадан бирор кимса бизни йўқлаб останаимизга қадам босмади. «Милиция аълочиси», орден-медаллари бор эди. Аммо турмушда буларнинг ҳеч бири эгаси бўлмаса кераги йўқ экан.

Раҳмат сизларга бу яхшиликлар учун ҳам.

Узини О. Бобоқулова деб таништирган бу аёлнинг юрагидagi гаплари тўлиб-тошиб ётгани шундоқ ҳам маълум. Ҳа, у биздан жуда кўп нарсани илтимос қилишга эмас, талаб қилишга ҳақли. Аммо ўзбекчилик, андиша, яна шундай бир қимтинилар борки, улар шундоқ ҳам камсукум аёлларимизни янада эзиб юборади. Тасаввур қилинг-а, ўн нафар

## Эътибор ҳар нарсадан яхши

на, ушбу кунда уларнинг чироқ ёқса, ёришмайдиган кўнглиларига заррача бўлса ҳам қувонч киритишга интилайтганини сөзми қийин эмасди.

— Азиз учрашувимиз қатнашчилари! Агарда кимнинг кўнглида бирор гапни бўлса, марҳамат чиқиб гапирсин, — деди Т. Тўхтаев сўзини якунлар экан.

Орқа ўрнида ўтирган бир аёл минг истиқола билан аста кўл кўтарди. Унинг офтобдан қорайган чехрасида ўнғайсизлик, андиша шундоқ акс этиб турардини, кўзлари билан ҳатто атрофига тик боқмасди.

— Менинг турмуш ўртоғим 25 йил Сурхондарё вилояти-

Охири ўйимия таъмирлаш учун ёрдам сўраб, туман ИИБга бордим. Бироқ уларнинг тарафидан бирор бир ҳаракат бўлмади.

ИИБ бошлиғига: «Шунчалар ҳам сизнинг ташкилотингиз бемехр, бераҳм ташкилотми! Наҳотки, тирикликда кечаю кундуз бола-чақасини ҳам унутиб ишлаган одамнинг ўлгандан кейин қадрни бир чақалик ҳам бўлмаса», — деб айтишга мажбур бўлдим.

Мана бугун бизларга ёрдам қўлини чўзаясизлар. Лекин бизга сизларнинг пулингиздан ҳам кўра икки оғиз ширин сўзингиз, ҳол сўрашингиз керак.

болани яқка ўзи тарбиялаб, уйли-жойли қилиши керак.

Бу аёлнинг ҳазин овозидаёқ бир дунё ғам-ташвиш аломати сезилиб турибди.

Унинг сўзлари бир неча аёлни руҳлантирдими ёки азбаройи қийинчиликлар жонидан ўтиб кетгани, Нурота тумани, Қашқадарёнинг Қамалш туманидан келган аёллар ёрдам сўраб, ИИБ бошлиғи Т. Тўхтаевга мурожаат қилдилар.

Бошқарма бошлиғи ҳар бир аёлнинг илтимосини диққат билан эшитиб, улардан зарур маслаҳатларини аямади ва жойлардаги раҳбарларга йўриқлар ҳам берди. Унинг

одамлар кулфатини енгиллаштириш мақсадидаги бу ҳаракатлари ваъда ёки расмийликдан ҳоли бўлиб, имкон чегарасига асосланганди.

Учрашув сўнггида уларга моддий ёрдам тариқасида ажратилган пул ва бошқа совғалар топширилди.

Бадий ҳаваскорлар чиқишларидан кейин ҳамма кўҳна Самарқанднинг тарихий обидалари бўйлаб уюштирилган мароқли сафарга йўл олди.

Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган бу учрашувни ҳар томонлама қўллаб-қувватласан арзийди. Чунки нисон ҳаётдан өзиз нарса йўқ бу дунёда. Сизу биз каби орзу-умидларга тўлиқ қалб жиноятчиларининг қабиҳ қўлларидан завоп топиши ва бунинг эвазига ойлаб, йиллаб ҳеч кимнинг хотирасига келмаслиги уларнинг руҳига ҳақоратдир. Тирликларга эса ўзинга хос худбинлик сабоғидир. Сир эмас уларни билган, бирга ишлаган ходимларининг дилидан: «Мана нима бўлди, ишлади, ишни деб ҳаётини берди, оқибат ҳеч ким эспламади ҳам», — деган гап ўтган. Балким ундан кейин қийналиб яшайтган оиласини кўриб, таъби тирриқ ҳам бўлгандир. Мана сизга фидойиликнинг ўз баҳосини топмаслик натижаси.

Кеч бўлса ҳам, ҳар тугул бу ишда илк қадамлар қўйилгани айтиш мудоъо бўлди. Энди уни давом эттириш ва тобора яхшилаш зарур.

М. ИБРОҲИМОВА.

# Эртага—тиббиёт ходимлари кун

## ХАЛОСКОРЛАР

Бурч тақозаси билан улус гамини ейишга даъват этилган милиция ходимлари не-не ишларни жиноятчи аталмиш балон қаза чагалидан қутқаришмайди, қанчадан-қанча ўри, каззоб, муттаҳам, муштум-зўр ва баттолларни тутмайди дейсиз. Бу дунё — ажаб дунё, деганларидек, эл халоскорларининг ҳам халоскорлари бор. Бугун уларнинг байрами арафасида ЎзССЖ ИИБ тиббиёт бошқармаси бошлиғи ички хизмат подполковниги Суннат Толипович Толипов билан суҳбатлашдик.

— Дард — меҳмон, дейишади. Балким ҳар қандай азоб-уқубатларга бардошли халқимиз бу нақлни янада чидамликка, кўнгилни туширмасликка чақириб мақсадда ўйлаб топган бўлса керак. Лекин хасталик азобини тушлари заррача мижжа қоқмаган одамнинг ўзи билади. Шунинг учун ҳам дарддан фориғ этадиган меҳри дарё инсонларга қуллуқ қиламиз. Суннат Толипович, ҳозир Сиз бошчилик қилаётган бошқарма таркибида қандай даволаш муассасалари ва идоралари мавжуд? Уларда қанча ходимлар ички ишлар идораларида хизмат қилаётганлар саломатлиги муҳофазасида турибди?

— ЎзССЖ ИИБ тиббиёт бошқармаси ўзига яраша катта даргоҳ. Ҳозир унинг ихтиёрида 15 та табибхона (поликлиника), 4 та шифохона, 1 та амбулатория ва 6 та даволаш нуқтаси бор. 13 та санитария-эпидемиология бекатлари, 1 та санаторий ишлаб турибди. Маълумки, ички ишлар идораларида хизматни ўташ бошқа касбларга қараганда ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам руҳий юк кўпроқ тушиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ишга қираётганлар соғлиги том маънода элдан ўтказилади. Буни 13 та ҳарбий-тиббий комиссиялар амалга оширишмоқда.

Тиббиёт масканларимизда ўз касбини беихоҳ ардоқлаган, малакали ходимлар меҳнат қилишмоқда. Масалан, табибхоналарда 299 табиб, 326 тиббий ҳамшира, шифохоналарда эса 88 табиб ва 204 тиббий ҳамшира ходимлар саломатлигини асраш борасида ўз вазифасини кечасио кундузи сиддиқидан ўтамоқда.

— Суннат ақа, касбнинг усталари бор, деб таъкидладянгиз. Улар билан таништириб ўтсангиз.

— Беморларни ҳам ширин сўзи, ҳам юқори малакаси билан тезроқ оёққа турғазайтган шифокорлар кўплаб топилди. Улар орасидаги тиббиёт фанлари номзодлари Наманган шаҳридаги шифохона бош врачиди Т. Отамирзаев, марказий табибхона рентген-радиология бўлини бошлиғи М. Хоронова, марказий табибхона лабораторияси бошлиғи С. Алланиярова, тиббиёт бошқармаси бўлими бошлиғи Н. Синьцина, олий тоифали табиблар марказий шифохона бошлиғи А. Жуманов ва бўлими бошлиғи И. Ходова ва бошқаларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. Тиш табибхонасидаги жарроҳимиз Жавад Турсунов ёш бўлишига қарамасдан кўпчилик эътиборини қозонган.

— Ички ишлар идоралари шифокорлари йилга ўртача неча операция ўтказишади ва кўпроқ қайси хасталиклар бўйича?

— Вазирлигимиз таркибидаги шифохоналарда барча мураккаб операцияларга қўл урилади, зарур пайтларда жумҳуриятдаги энг тажрибали мутахассислар маслаҳатидан ҳам фойдаланамиз. Ҳозир йилга ўртача 200 дан ошқ операция ўтказилмоқда. Жумладан, ўтган йили жарроҳлик аралашуви туфайли 19 киши томоқ, бурун, қулоқ, 8 киши ошқозон-ичак, 33 киши урологик хасталиклардан фориғ бўлди. Аксарият беморлар марказий шифохона жарроҳи Х. Усмоновнинг қўли енгиллигини алқаб тилга олишади.

— Баъзан тармоқ тиббиёт масканлари тиббий жиҳозлар масаласида қийналиб қолишади. Бу борада Сизларда аҳвол қандай?

— Тиббий жиҳозлар бизда ҳам тўла етарли, деб айтмайман. Лекин мавжудлари билан малакали тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаб турибмиз. Шу билан бирга аста-секин қатор ускуналарни харид қилмоқдамиз. Масалан, яқинда бир қанча хорижий ускуналар келтирилди ва уларни ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда.

— Бу саволини беришимнинг сабаби йўқ эмас. Танишларимдан бири бундай уч-тўрт йил бурун марказий шифохонада даволанаётганда қисқатовушли текшириш ускунаси йўқлиги учун навбат кутиб, янги Тошкент тиббиёт олий билимгоҳи шифохонасига қатнаганди.

— Қисқатовушли текшириш ускунасини Япониядан харид қилдик. Албатта, шўнга ўхшаш замонавий ускуналар кўпроқ бўлиши фойдадан ҳоли эмас.

— Суннат Толипович, баъзан ходим меҳнат таътилига чиқиш арафасида иккиланиб қолади. Даволанишга борсини ёки хордиқ чиқарсини?

— Саволингизни тушундим. Самарқандда бизнинг санаторийимиз бор. Уша ерда ҳам даволаниш, ҳам дам олиш имконияти яратилган.

— Қандай касалликлар билан азият чекканлар бу ерга келишлари мумкин?

— Санаторийда юрак, қонтомир, буйрак, ошқозон-ичак касалликлари бўйича муолажа қилинади.

— Беморлар Москвадаги марказий шифохоналарга ҳам жўнатиб туриладими?


— Юқорида таъкидлаб ўтдим, деярли барча касалликларни ўзимизда даволаш имконияти бор. Ниҳоятда зарурат туғилганда, тор доирадаги мутахассис табиблар ёрдамига муҳтож бўлса, Москвага йўлланма берилди.

— Масалан, қандай касалликлар бўйича?

— Асосан кўз, юрак ва ўсма касалликларининг айрим кўринишларида.

— Суҳбатимизга яқин ясашдан олдин Сизни ва Сиз орқали эгинга оқ халат илган заҳматкаш тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан «Поста» мухлислари номидан табриклиймиз. Сизларга тан сўзатлик, хонадонларингизга эса осойишталик тилаймиз. Зеро, хизматимиз самараси Сизларнинг тегиллигиниз билан чамбарчас боғлиқ.

— Раҳмат.  
Суҳбатдош  
Ғайратжон БОЛТАБОВЕВ.



ИИБ тиббиёт бошқармасига қарашли даволаш муассасалари ички ишлар ходимларига, уларнинг она аъзоларига хизмат кўра-

гади. Бу масканларга муурожаат қилган ҳар бир киши шифокорларнинг хушмуомаласи, фойдали маслаҳатлари, муолажасидан мам-

нун бўлишмоқда. Улар ҳам имкони борича одамларнинг кўнгилга йўл топишга, дардларини енгиллаштишга ҳаракат қилишади. Замонавий асбоб-ускуналардан самарали фойдаланишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Марказий табибхона (поликлиника)нинг болалар врачиди О. Вертелицкая ҳамшира Р. Босарева билан кичкинтойнинг саломатлигини текширишмоқда. 2. Шу табибхона жарроҳиди З. Маҳсумова, ҳамшира К. Аъзамовалар беморни кўздан кечиришмоқда. 3. Марказий шифохона жарроҳлик реанимация бўлими бошлиғи Х. Усмонов (ўртада), 1-тоифали анестезиолог-реаниматолог В. Темирхўжаевлар бемор ҳузурда.

Суратларни  
Х. ШОДИЕВ олган.

## Кўпчилик меҳрини қозонганлар

Наманган шаҳрининг Дўстлик шохқўчасида жумҳурият ички ишлар вазирлигига қарашли виллоятлараро шифохона жойлашган. Шу ерликлар яхши эслашади — авваллари бу ерлар қир-адирликлардан иборат эди. Яхши ниятли кишилар ташаббуси билан ҳозирги кунда бутун мамлакатта маълум ва машҳур шифо маскани барпо этилган. Ўтган 15 йиллар давомида

шевасида ширин суҳбатлашадиган аёлнинг аслида қрим-татар қизи эканлигини тасаввур ҳам қилишмайди. Опа сифатида ёш, сингил сифатида катта ёшдаги беморларнинг муҳаббатини қозонган у.

— Ҳозир кўп жойларда фавқулудда сеҳрга эга бўлган экстрасенслар, фолбиллар чиқаяпти, — дейди Софийахоннинг ўзи. — Аксарият ҳолларда ҳамюртла-

## Сўзларида боли бор

бу ерда неча юзлаб, минглаб беморлар дардига даво топиб кетмади, дейсиз.

Шифохона тиббий жамоаси эса муолажани тобора такомиллаштириш борасида тинмай изланмоқда. Ана шундай меҳри дарё кишилардан бири терапевт Софийа Урмоновадир.

Агар бу ерда саломатлигини тиклаётганлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, Софийахон ҳақида энг самимий фикрларни айтишади.

— Эл-юрт, кўпчилик ардоқлаган одам ҳамма жойда ҳурмат-эътиборга сазовордир. — дейди шифохона бошлиғи Турғунулат Отамирзаев ўз ҳамкасби ҳақида. — Тўғриси айтганда, Софийахонга жамоамизда ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келади. Беморлар эса ўзлари билан соф ўзбек тилида, қолаверса, Наманган

римиз қисқа фурсатда улардан шифо топганларини айтишади. Баъзи ҳолларда эса айрим кишилар замонавий тиббиётдан кўра уларнинг муолажасини маъқул кўришади. Нима, жаҳон олимлари тажрибасига асосланган тиббиётимиз бутунга келиб ночор бўлиб қолдими? Йўқ, биттагина айбимиз — беморнинг баданидаги дардни кўрамиз-у, унинг юрагига қўл сола билмаймиз. Агар шифокор қаршида ўтирган беморда ўзига нисбатан ишонч уйғота олса, албатта, унинг дардига малҳам қўя олади.

Ҳа, бу ерда даволанаётганлар ҳам, қолаверса ҳамкасблари ҳам уни ана шундай тиниқ фикри, самимийлиги ва ширинсуханлиги учун яхши кўришади.

Неъматжон МАМАЖОНОВ,  
милиция майори.

## ЭЗГУ МАҚСАД

ЎзССЖ ИИБ тиш табибхонасида кейинги пайтларда беморлар дардига малҳам қўйиш борасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бунинг энг аввало ўз касбга меҳр қўйган моҳир шифокорлар ҳиссаси билан боғлаш керак. Дарҳақиқат, даволочилар врачлардан Галина Ткач, Лариса Никитина, Насиб Акбарова, тиш қуювчи врачлардан Абдуманип Баҳромжонов, техниклардан Фазлиддин Шамсиев, Дилшод Убайдуллаевлар энг аввало ширин сўзлари, қолаверса, тиббиёт соҳасидаги катта тажрибалари билан мижозлар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

— Ўтган йили ишонланган касб байрамимиздан берил мақтаса эригулик бир ютуқ қўлга киритилди, — дейди табибхона бошлиғи ички хизмат майори Ғулом Ҳасанов, — ҳар бир одам учун алоҳида тиш қўйиш усулини ўзлаштириб олдик. Янги аппарат ёрдамида, айтайлик, ўнта одам келса, ун марта тиш қўйиш имкониятига эга бўлдик.

Аҳли шифокорлар жамоасининг мақсадлари муштарак. У ҳам бўлса, остона ҳатлаб кириб келган ҳар бир мижознинг кўнгилни олиб, дардан буткул фориғ этиш.

— Эндиганда беморларнинг тиш қўйиш усулини ўзлаштиришга ҳаракат қилаймиз, — дейди Ғ. Ҳасанов суҳбат якунида. — Чет элдан тайёрланган махсус аппарат учун буюртма берганмиз. Насиб этса, шу йил тўртинчи чорагида бу мақсадимиз ҳам амалга ошади.

**ЎзССЖ АНДИЖОН ШАҲРИ ҚУНАЛҒАСИДА КАТТА МИҚДОРДАГИ ТИЛЛА БИЛАН АЛЕКСАНДР Х. УШЛАНДИ. ЛЕКИН УНИ ТЭЗДА ҚУНИБ ЮБОРИШДИ ВА У ҚОНИБ БУЛДИ.**

«Андижон-1», темир йўл бекати ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори Нурматжон Латибжонов билан бир неча йилдан бери танишимиз. Донмо ва мин, жиддий, одамшина-ванда ва хушчақчақ Нурматжонни бу гал таниб бўлмасди.

— Кел, бир қизиқарли видеофильми томоша қиламиз, — деди у мени беҳазил ҳаяжонлантириб юборган рамгин кайфиятда. Кейин сенга биз учун, милиция ходимлари учун анчайин кўнгилсиз бўлган олтин билан боғлиқ фаройиб воқеани айтиб бераман.

Шубҳасиз тажрибали оператор тасвирга олган кадрлар бирин-кетин ўта бошлади. Мана ёшроқ киши ҳоржий кир ювиш кукуни солинган катта ялтироқ қути билан қўналганинг юк текшириш залига кириб келяпти. Шошаётган, ўзини қўйгани жой тополмаётган одамлар орасида у хотиржам ва бошиқ кўрилади. Лекин нимаси биландир транспорт милицияси ходимларида қизиқиш уйғотди. Уни ушлаб, тинч ва беғалва алоҳида хонага олиб киришади. Қўлидаги чиройли қўтнинг очишни таклиф қилишади. Йигит қўтини очадими, столга аниқ ювиш воситаси тўкилади. Бироқ қўтичанинг тубида катта ҳажмли қандайдир буюм қоғоз ҳалтада ётибди. Уни ҳам очишади ва ундан... тилла буюмларнинг ярқироқ шодаси — узуклар, тўғнағичлар, билакузуклар ва бошқа қимматбаҳо тақинчоқлар тушади. Буюмлар янги, ҳатто баҳо ёрлиғи ҳам узилмаган. Яна бир неча сохта паспортлар.

Дастлабки терговда аниқланишича, Александр Х. Андижонга ўн тўрт марта ташриф буюрибди. Бу ерда ва қўшни вилоятларда катта миқдорда — бир келишида 200-300 минг сўмлик тилла буюмлар сотиб оларкан. Бу сафар эса тахминан 200 минг сўмлик. Албатта, давлат нархида, чайқовда эса бу тиллаларга ақлга сиймайдиган пул беришади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳисоб бир неча миллион сўмни ташкил қилади. Х. дурдоналарни Москва орқали Ленинградга, ундан сўнг Болтибўйига олиб боришини айтди. У ердан эса моллар ҳоржга чиқиб кетади.

Қўлга олинган «Андижон» меҳмонхонасининг «люкс» хонасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз беамалол яшаган. Бир ўзи эмас, жазмани билан. Қизиги, улар бир-бирларига жуда мос. Иккови ҳам илгари судланган. Унда ҳам, бунисида ҳам қалбаки паспортлар. Ишлашмайди, йирик иш билан шуғулланишади, кўнгил кўчасига қараб яшади. Айтмоқчи ленинградлик хонимнинг Невадаги шаҳар хонадони тинтув қилинганда, заргарлик буюмларининг 432 та қимматбаҳо тошлари топилди.

Бебаҳо юкли фуқаро Х.ни қўлга олиш операциясига ИИБ бошлиғи Н. Латибжонов раҳбарлик қилди. Операция юқори даражадаги моҳирлик билан амалда оширилди. Милиция ходимлари катта ишни бажариб — давлатга қанча бойликни қайтариб, енгил нафас олдилар.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг бойликларни жумҳурият ташқарисига олиб чиқилишини маъ этиш ҳақидаги Фармони

# ҲОЛАТ

Леонид СБРОДОВ

# ҒАРОЙИБ

**ҲАММАСИ ШУНДОҚКИНА БИЛИНИБ ТУРИБДИ. НОМАЪЛУМ КИШИНИ УШЛАШДИ, УНИНГ ЕНИДАН ЭСА ТИЛЛА, ПУЛ, ҚАЛБАКИ ПАСПОРТЛАР ТОПИЛДИ. ПУЛЛАРКУ МИЛИЦИЯДА ҚОЛДИ, УНИ ЭСА ҚУНИБ ЮБОРИШДИ. БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

# В О Қ Е А

бажарилди. Лекин қувонишга ҳали эрта эди.

— Кимгадир бу қўлга тушириш сира ёқмади, — дея мийғида маҳзун кўлимсираб давом этди майор. — Урта Осиё транспорт прокуратураси тиллафурушни ҳибсга олиш учун розилик бермади, бу билан унинг озодликка чиқшига шаронт яратди. Шундай ҳам бўлди, Х.нинг тўрт томони қибла эканлигини айтишди. Тўғри, энди ҳозир у қидирувда.

Ишончим комилки, бу уюшган жиноятчиликнинг

айтади-қўяди. Агар мулозим танқидга лойиқ бўлса, унинг мансабию унвонига қарамай «савалайди».

Табийки, у айрим бошлиқларга ёқмади. Айниқса, иссиққина ўриндиқларга жойлашиб олиб, унга аслида лойиқ бўлишмасида, бўшатишни истамайдиган кимсаларга.

— Менинг бувам Қодиржон Матқосимов, ўтиб кетишган, 100 ёшга кирган. 70 йиллик партия стажига эга, Избоскан туман фирқа кўмитасида котиб, Хоразм вилоят фирқа кўмитасида биринчи котиб бўлиб иш-

ботлаган, ҳаракатчанлигини, юксак касб маҳоратига эгаллигини кўрсатган. Утган йили ўш воқеаларида бу яққол намоён бўлган. Уни 30 майда бўлимга бошлиқ этиб тайинлашди, 4 июнь куни эса миллатлараро қонли низо бошланди. Эртаси кунёқ у бутун масъулиятни зиммасига олган ҳолда сиёсий қисм бўйича ўринбосари милиция майори М. Қосимов бошчилигидаги оператив гуруҳни ўш ва Қорасув темир йўл бекатларига юборди. Милиция ходимлари у ердаги ёқилғи цистерналари, халқ хўжалиги юкларини хавфсиз жойга олиб чиқдилар. Агарда уларни экстремистлар ёқиб юборганида нима бўларди, бир тасаввур қилинг-а? Таъжибкали бу дамларда темир йўл бекатида бирорта оғир жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Ҳолбуки транспорт ички ишлар бўлими қарамонига Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг 28 тижорат темир йўл бекати, Андижон ва Намангандаги 2 та қўналға қиради.

Уша пайтда еттинчи ҳудудга эндигина комендант бўлиб тайинланган милиция майори Н. Латибжонов Қирғизистонда ишлаётган ўзбек чорвадорлари ва асарчиларини экстремистлардан қўтқариш операциясига бошчилик қилди. Уларни вертолётларда Олой ва Совет депараларидан олиб чиқишди. Бошқа ўлкалардан поезд ва тайёраларда Андижонга келаётган қирғизларни ИИБ қўриқлади. Ваҳоланки, қирғизларни ўзбек миллатидаги қуролланган милиция ходимлари кузатиб борардилар. Бирорта ҳам зорланиш эшитилмади. Ва фақат минтдорчилик сўзлари айтилди.

Н. Латибжоновнинг ташаббуси билан ички ишлар бўлими ходимлари Андижон вилояти ҳудудидаги уюшган жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб бормоқдалар. Бунда вилоят прокуратураси ва вилоят прокурори У. З. Иномжоновнинг тўла қўллаб-қувватлашини таъкидлаш зарур. Кейинги вақтларда Ленинск шаҳрида қотиллик, талончилик, товланчилик, фирибгарлик каби жиноятлар сезиларли ўсганди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан биргаликда бир қатор қуролланган жиноятчиларни қўлга олишди. Худди шундай Пахтаобод туманида ўнлаб қароқчиларча ҳужум содир этган қонунбузарлар ушланди. Улардан ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар топилди.

Аммо халқнинг қимматбаҳо буюмларини сақлаб қолиш, жиноятчиларни тутиш бўйича муваффақиятли ўтган операция бекор кетди. Ҳар ҳолда ҳозирча.

Бу мақола нашрга тайёрланаётганда, биз Нурматжонга навбатдаги милиция подполковниги унвонини берилганини эшитдик.

**АНДИЖОН.**

(«Ўят и меч» рўзномасидан).



Ушбу очерк қаҳрамони— милиция майори Нурматжон ЛАТИБЖОНОВ

бир бўғини. Мафиянинг услуги ва қўли сезилиб турибди. Қўллаб-қувватлаш, ёрдам ўрнига, айрим мансабдор шахслардан таъналар эшитмоқдамиз. Алам қилади гоҳо: жиноятчиларни ушлаш шартмикин? Еки прокуратура мафиянинг жавоб чорасидан қўрқаяптими? Қандай бошқа сабаблари бор?

Қўлга олиш операциясига милиция майори Латибжонов раҳбарлик қилди. Унинг ўзи ким? Нега у бақувват мафия билан бел олишишдан чўчимади?

Нурмат Латибжонов қирқ ёшга ҳам бормаган. Новча — бўйи салкам икки метр, кучли ва жасур. Спорт билан шуғулланади, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларида хизмат қилган. Тошкентдаги махсус милиция мактабини, сирдан Андижон педагогика олий билимгоҳининг тарих куллиётини тамомлаган. Отаси — фронтчи, онаси — уй бекаси. Оддий оила, оддий таржимаи ҳол. Лекин Нурмат — дангалчи, суҳбатдошига ўйлаган ўйини

лаганлар, — деб ҳикоя қилади Н. Латибжонов. — У жумҳуриятда ўз даврининг кўзга кўринган сиёсат ва давлат арбоби эди. Қизик ўхшашлик. Бувам сохта уюштирилган ишлар бўйича бир неча марта ҳибсга олинди, уч бор отишга ҳукм қилинган. Менга қарши эса уч карра ўйлаб топилган жиноий иш қўзғатилди. Мени четлаштиришга астойдил ҳаракат қилишди. Бувам омон қолган, мен ҳам. Адолат тантана қилди. Оиламизда бувам билан юз берган афсонага ўхшаш воқеани сўзлаб беришади. Бувам Ўзбекистон коммунистлар фирқаси (б) МКнинг собиқ биринчи котиби Акмал Икромов билан бир қамоқхонада ўтирган. 1956 йилда Хрушчев шахсан ўзи Бутирь қамоқхонасига келиб, бувамини озод қилган ва жумҳурият ташқи савдосига раҳбар этиб тайинлаган. Мен бувам ва фронтчи-отамдан ибрат олганман, ҳалол яшаб, ишлаганман.

Нурмат Неъматович Латибжонов қасамга содиқлигини бир неча марта ис-

Жиноятчилик ва гнѐхвандлик нафақат катта шаҳарларда, балки чекка туман, олис қишлоқларда ҳам авж олиб бормоқда. Бунинг сабаби нимада?

Самарқанд вилояти Қўшробот тумани ИИБ бошлиғи милиция майори Жозил Турсунов билан мулоқотимиз шу мавзуда бўлди.

— Жозил Иброҳимович, жиноятчиликнинг кўпайиш сабаблари сизнингча нимада?

— Бунинг сабабларини баъзилар бугунги иқтисодий тангликка тақашмоқда. Мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки бундан оғир шароитларда ҳам халқимиз ҳаромдан, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилган.

Жиноятнинг ўсишига асосий сабаб, менимча, сиёсатимизнинг бир ёқлама олиб борилганидир. Биз динни йўқотамиз деб, одамларнинг ишонч этиқодини йўқотдик.

Бир новвой ҳар куни сават тўла нон олиб чиқар ва чойхона олдига қўйиб, кечқурун бўш саватдаги пулни олиб кетаверар экан. Пули кам чиқса, бир кишининг ўғрилиқ қилиб, дўзахий бўлганидан куйинар экан.

## Жасорат ва ЭЪТИҚОД ЛОЗИМ

— Сиз ўтмишдан гап бошладингиз, келинг мен ҳам мозийдан гапирай. У вақтларда кўкнори ва нашага қарши ҳеч қандай кураш олиб борилмаган. Бугунга келиб бу гнѐхлар инсоният фожиясига, умр кушандасига айланиб қолди.

— Ҳеч кимга сир эмаски, улар қадимдан халқ таъбаотида қўлланган. Ҳозирги тиббиёт ҳам бунини инкор этмайди. Энди эса одамлар қачонлардир шифо топиш учун фойдаланган гнѐхлар тамоман бошқа мақсадларда ишлатилмоқда.

— Гнѐхвандликка қарши курашда жамоатчиликнинг улуши қандай?

— Бу ишда биз ҳар томонлама уларга суянамыз. Чунки жиноятчилар, гнѐхвандлар ўзга сайёрликлар эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз. Ножўя йўлга дастлабки қадамларини ташлаётганида, бизлар бефарқ қараганмиз. Оқибатда у жиноятчига айланди. Халқимизда: «Бир боланинг тарбиясига етмиш қўшни дахлдор», — деган гап бор. Шундай экан бола тарбияси учун ҳамма бирдай жон куйдириши, қайғуриши керак.

— Ҳозир биздаги қонунларнинг бўшлиғи ҳақида гапиринмоқда. Сиз бунга нима дейсиз?

— Албатта, давр ўзгармоқда. Қонун ҳам шунга мослашиб бориши керак. Уларни ҳақиқатдан кучайтириш лозим.

— Биз мавжуд қонунларга ҳам баъзан амал қилмаймиз. Масалан, «Тил тўғрисида»ги қонун.

— Йўқ. Мана бизда барча ҳужжатларимиз давлат тилида олиб боришмоқда. Чунки туман аҳолисининг 98 фоизини ўзбеклар ташкил қилади.

— Кўп партиячиликка муносабатиңиз қандай?

— Мен кўппартиячилик тарафдориман. Лекин бақир-чақир, митингбозлик, ноқулай вазиятни вуқудга келтириш билан эмас, оқилона маслаҳатлашиш, фикр-мулоҳаза билан баҳслашиш орқали мамлакатни танг аҳволдан қутқариш керак.

— Мамлакатни тангликдан чиқаришга ишончингиз комилми?

— Ҳа. Бу иш ҳар биримиздан эътиқод ва жасоратни талаб қилади. Жасоратга эса ҳаминча жой топилади.

Суҳбатдош Шовқиддин САМНЕВ.

# Шанба учрашувлари

## Яхшидан боғ қолади

Баъзан милицияни ёмон деймиш-у, лекин мабодо у бўлмаса ҳолимиз нима кечарди, қабилидаги гапларни эшитиб қоламан. Шунда беихтиёр ўзимга-ўзим савол бераман: милиция сафларида Эргашали Салимов каби жонкуярлар бўлмаганда-чи?

Тўғри, у Кува тумани ИИБнинг бир оддий ходими, бошқалардан ажраб турадиган томонлари йўқ. Унвони эса, 24 йилдан бери хизмат қилаётган бўлсада, милиция катта сержанти.

Лекин гап бунда эмас, назаримда унвон, орден-медаллар ва бошқалар ҳеч қачон ходимнинг ўз касбига бўлган муносибатини тўла белгилаб беролмайди. Агар у ҳақда кўпроқ нарсани билишни хоҳласангиз, ички ишлар бўлиминингизга келинганда истаган одамнингиздан сўранг. Эргашали аканинг одам-охун, ҳалол, бурчиға фидойи инсон эканлиги ҳақида қалблардан қайнаб чиқаётган сўзларни эшитасиз. Агар милиция

сержанти Ҳотамжон Муллабоев, милиция кичик сержанти Абдуҷаббор Йўлдошев, милиция сержанти Машрабжон Исабоевлар билан мулоқотда бўлсангиз, устозлари ҳақида тилларидан бол томиб гапиришадди. Ҳа, уларнинг устозга бўлган меҳрлари ҳар қандай унвон, орден-медаллардан устунроқдир.

Баъзи оғзига кучи етмаганлар милиция ходимларини танбалликда-ю, дангасаликда айб-лашади. Шунда беихтиёр кўз олдимга Эргашали ака қолади.

Аваллари Керкидон сув омбори атрофлари қип-қизил адирлик эди, ҳеч қандай гиёҳ ўсмасди. У биринчи, иккинчи ва учинчи постлар теварагини ободонлаштирди. Ушанда экилган кўчатлар ҳозир вояга етиб, шигил ҳосилга кирди.

Яхшидан боғ қолади, деганлари шу бўлса керак-да.

**Раҳимжон РАҲИМОВ,**  
милиция катта сержанти.

## НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Кимки улғурок — анга хизмат керак,  
Кимки кичикроқ — анга шафқат керак.  
Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур.

Йўқдир анга фақру, ким оқилдур.  
Ҳар киши ким бирова қозғай чоқ,  
Тушқай ул чоқ уза ўзи ногоҳ.

## ЮМШОҚ СУПУРГИ

Телефон жиринглади. Юв-вош Йўрғаев арқондек эши-либ, дастан ишладида, суп-радек қулоғига яқинлаш-тирди.

— Қулоғим сизда!  
— Кимсиз?  
У бошлиқнинг вазмин ово-зини таниди, чап қўлини кўксига қўйди.

— Йўрғаевман, Қайсар Қи-личевич, бизга хизматингиз борми?

— Ботир Қайтмасов, қани, ишга келдимиз?

Юввош Йўрғаев эшикка ўр-ринча бир қараб олди, кейин кафти билан телефон даста-сини озгина тўсиб цивир-лади:

— Келгани йўқ, хўжайин, у жудаям ботир бўлиб кетган. Давлатнинг ишига хоҳласа ке-

лади, хоҳламаса йўқ. Бир «туз»лаб қўймасангиз...  
— Менга қаранг, Йўрғаев!  
— Бошлиқнинг энсаси қотган

### Митти ҳажвия

кўринадди, зарда билан қич-қирди.

— Сизга қараб турибман, хўжайинжон!

— Намунча майдагап бўл-масангиз! У эмас, ўзингиз доимо кечкиб келасиз идо-рага! Бир марта эрта келиб олиб!

Йўрғаевнинг думалоқ юзи девордай оқарди. Энди у бурнини ерга уриб олгудек

энгашиб гапира бошлади:  
— Ҳамма гапларингиз тўғ-ри, хўжайин. Фақат телефон денг яхши ишламапти. Ме-нинг гапларимни сизга сал бошқачароқ... Ботиржон акам-лар ҳали замон келиб қолади-лар.

У девордаги соатга қара-ди-ю, юпқа лабларига табас-сум ёйилди.

— Ана, соат ҳам энди ўн бешта кам тўққиз бўлибди! Агар Сизга жуда зарур бўл-салар, липиллаб уйлариға бориб чакириб келишим мум-кин. А, лаббай! Юмшоқ су-пурги? Бир минутда «ест» қиламиз, фаррош холамдан ҳозир супургиларини олиб, хузурингизга кирман!

**Холмуҳаммад МУЙДИНОВ,**  
милиция старшинаси.

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Бир кишига отасидан кат-та мерос қолди, лекин у шу кундан бошлаб меҳнатга яна ҳам қаттиқроқ киришди.

— Шунча мол-дунёга эга бўла туриб, меҳнатга берилиб кетишингизнинг боиси нима-да, — деб сўрашди одамлар.

— Пешона тери билан меҳ-нат қилсам, уйлансам, бола-чақа орттирсам, улар пок, соғлом ва бақувват ўсади-лар, ҳалол ҳаёт кечиради-лар, — деб жавоб берди у.



ҲОРДИҚ.



Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

## БИЛАСИЗМИ...

### ЭНГ УЗУН ВА ОҒИР

Америкалик Ганс Ланозе-нинг соқоли энг узун ҳи-собланади. Унинг узунлиги 3 метру 45 сантиметрдир. У соқолини тугиб юради.

Энг оғир киши америкалик Роберт Хюджасдир. Унинг оғирлиги атиги... 483 килограмми.

### ЭНГ КАТТА ВА КИЧИК

Дунёда энг катта маймун горилладир. Унинг бўйи 2 метр, оғирлиги 250 кило-грамм. Энг кичкина маймун мармозет бўлиб, у Жанубий Америка чангалзорларида яшайди, бўйи 20-25 санти-метр, оғирлиги 250-500 грамм. [УЗБЕКЧА «КАЛЕНДАРЬ» ДАН].

## ДУНЁ КУЛАДИ

Шаҳар қамоқхоналаридан бирини текширган комиссия раиси унинг директорига де-ди:

— Маҳбусларнинг қамоқхо-нада бўлишдан мамнун экан-ликларини биринчи кўришим.

— Бу улар учун турли тад-бирлар ўтказаятганимиз билан изоҳланади.

— Ана шу тadbирларнинг энг оммавийси қайсиниси?

— Очиқ эшиклар кунини...  
\* \* \*

Кичкина болакай полиция бошқармасига ҳаллослаб ки-риб келди:

— Тезроқ, жаноб! Кўча-нинг ана у ерида қандайдир жаноб менинг отамни дўп-послапти.

Навбатчи кўчага чиқиб, бир-бирлари билан аёвсиз муштлашган икки кишини кўрди. У болага ўгирилиб де-ди:

— Мен ҳозир ажратиб қў-ман, аммо айтчи, уларнинг қайси бири сенинг отанг?

— Улар ҳозир шунини аниқ-лашяпти-да.

Русчадан **Ҳабиб СИДДИҚ**  
таржимаси.

## «БОТИР» ТУЛКИ

(МАСАЛ)

Шошиб кетарди тулки айиқ полвон тўйига,  
Қоронги тушмасидан қайтиш керак уйига.

Бирдан сўқмоқда ётган шерга тушди-ю кўзи,  
Қўрқанидан жуфтани урмоқчи бўлди ўзи.

Иккиланди тулкивой, тезликда ишлатди боши,  
Чунки ҳайвонлар шоҳи ётарди жуда ювоши.

Аста эҳтиёт бўлиб ўтмоқ бўлди ёнидан,  
(Ахир, яшамоқ истар, тўймаганда жонидан)

Бунинг йўқдир иложи, ўтмоқ керак амаллаб,  
Сўқмоқчи-чи бутунлай ётарди шер эгаллаб.

— Ҳой, шер ака, шер ака, — деди у шўрлик аста. — Майлини устингиздан сакраб ўтсам оҳиста.

— Сакрайвер, — деди шер ҳам ҳорғин, овозда хаста  
— Нега бунда ётибсиз, — сўради тулки пастда.

— Оёқларим, — деди шер, — қопқонга тушиб қолди.  
Шу ондаёқ тулкидан шартта қўрқув йўқолди.

Мардона сакрар экан у энди шер устига,  
Биқинига бир тегиб ва деди ўз-ўзига:

«Оддий бир ҳайвон бўлсанг, мен сенга тенг бўлайми,  
Оёқларим остида, ётганимга ўлайми?»

Хулоса:  
Амал қўлингизда бўлса, хушомадгўй тулкидир,  
Амал кетгач, уларнинг ҳақиқий турқини кўр.

Йўлдош НАСРИДДИНОВ.

Самарқанд вилояти ИИБ Ташкилий инспек-торлик бўлимининг муҳим топшириқлар бўйи-ча катта инспектори шилдия майори.

## ЗАМОНАМДАН АЙЛАНАЙ

(БИР ОЛИБ-СОТАРНИНГ АЙТГАНЛАРИ)

Аваллари чайқовчи деб бизни қанаб кўларди,  
Бозорга биз бундан кирсак, у эшикдан қуварди,  
Таниш-билиш, оға-нин роса қовоқ уларди,  
Энди бизга омад келди, замонамдан айланай!

Бирга оляб, ўнга пуллаш гуноҳ эмас энди ҳеч,  
Одамларнинг кўз олдига пул санаймиз эрта-кеч,  
Нарху наво қўлимизда, етмаса тўннинг еч,  
Бозорларнинг «худо»симиз, замонамдан айланай!

Қайта қуриш деганлари юлғичларнинг замони,  
Пули борга айшу ишрат, пули йўқнинг армони,  
Виздан кулган одамларнинг энди яримта пони,  
Чайқовчинин «қўллаб» турган замонамдан айланай!

Дўконларни қуритамиз шиллиқ қуртдай шижириб,  
Омборларни тинчитамиз кўр сичқондек кемирив,  
Харидорга титроқ кирар, бизлар юрсак керилив,  
Қўлимизда пул ўйнаган замонамдан айланай!

Бу фуқаро қўйдан ювош деганлари рост экан,  
Итоатгўй, лақмалликда манқуртларга хос экан,  
Абдулхайлар дийдиёси эски ҳаммом, тос экан,  
Ошиғимиз олчи қилган замонамдан айланай!

Абдулхай ҚУТБИДИНОВ,

Марғилон шаҳри.

## МУСАҲҲИХ АДАШДИ...

Ички ишлар вазирлиги хатар қилади.  
Навбатдаги янги қонун тишлаб чиқилди.  
Фармон ижроси яхши йўлга сўйилди.

Социалистик узум ўсиб бормоқда.  
«За рублём» ойномасидан олинди.  
Тўловчи Эркин САТТОРОВ.

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатян кўчаси, 1.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан боғланаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,  
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,  
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —  
(«НА ПОСТУ»)  
Орган коллегии МВД  
ЎзССР